

Лойиха ва кидирув ишларини бажариш учун
84- сонли ШАРТНОМА

Тошкент ш.

“25” 03 2022 йил

Бундан буён Буюртмачи деб юритиладиган «Наманган Халқаро Аэропорти» МЧЖ номидан директор Т.А.Халилов ва кейинги ўринларда Лойихачи деб юритиладиган «KELAJAK-S» хусусий корхонаси номидан Устав асосида иш юритувчи директор И.Р.Уралов куйидаги шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Лойихачи Буюртмачининг топшириги бўйича белгиланган муддатда: «Наманган халқаро аэропорти» МЧЖга қарашли АВК-1 ва АВК-2 биноларини қайта қуриш (Лойиха олди ҳужжатлари ва Шаҳарсозлик экспертизаси билан биргаликда) объектининг ишчи лойиха-смета ҳужжатлари ва лойиха-кидирув ишларини тулик (под ключ) ишлаб чиқиш мажбуриятини, Буюртмачи эса уни қабул қилиб олиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Бажариладиган ишлар тасдиқланган лойиха олди топшириғига асосан амалга оширилади.

1.3. Шартнома лойиха ва кидирув ишларини ишлаб чиқишга, лойиха ҳужжатларини тегишли экспертизадан ўтказиш ва техник шартларни (АПЗ-Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва Қурилиш қўмитасининг 2017 йил 20-сентябрдаги №8688/3302-сонли хатига асосан зарур ҳолларда) тайёрлаш билан боғлиқ бошқа ишларга тузилган.

1.4. Лойиха ва кидирув ишларини ишлаб чиқиш ва буюртмачига топшириш ишлари шартнома имзоланган кундан бошланиб, мазкур шартноманинг 2-иловасидаги муддатда тугатилади.

1.5. Лойихачи лойиха-смета ҳужжатларига ижобий давлат экспертиза хулосасини олгандан сўнг 5 кун ичида 3 (уч) нусхада лойиха-смета ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар кондалари

2.1. Ишларни амалга оширишнинг баҳоси 1-иловага мувофиқ 460 000 000 (Тўрт юз олтинчи миллион) сўмни ташкил қилади ва мазкур шартноманинг 2-иловасидаги лойиха ишларини бажариш жадвалига мувофиқ бажарилади.

2.2. Буюртмачи шартнома шартнома имзолангандан сўнг 5 иш куни ичида шартнома суммасининг 15% миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи ва Лойихачи томонидан далолатномалар расмийлаштирилгандан сўнг 5 кун ичида амалга оширилади.

2.4. Лойиха-смета ҳужжатлари буюртмачи томонидан кўриб чиқилиб, экспертиза хулосаси тақдим этилгандан сўнг, жаъми ишлар ҳажмининг 85 фоиз миқдорини буюртмачи томонидан ишларни қабул қилинади ва 10 кун муддат ичида тўлаб берилади.

Объект бўйича экспертиза хулосаси олингандан сўнг ва 3 (уч) нусхада лойиха-смета ҳужжатлари ва лойиха-кидирув ишлари Буюртмачига тақдим этилгандан кейин қолган маблағ топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилиб, (мазкур шартноманинг 2.3-бандига асосан) молиялаштирилади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Ўзбекистон Республикасининг тегишли қарорлари асосида Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Буюртмачи:

- барча ишлар бажариб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини Лойихачига тўлаши ёки ишларнинг айрим босқичлари тугалланганидан кейин нархнинг тегишли қисmini тўлаши;

- тайёрланган лойиха-смета ҳужжатларининг ёки бажарилган кидирув ишларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан буюртмачига нисбатан кўзгатишган даъво аризасидан ишда қатнашишга Лойихачи жалб қилиши шарт.

3.2. Лойихачи лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиққандан сўнг лойиха-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.3. Лойихачи:

- лойиха ва кидирув ишларини бажариш учун топшириқдаги ва бошқа дастлабки маълумотлардаги талабларга риоя қилиши шарт ва буюртмачининг розилиғи билангина улардан четга чиқишга ҳақли;

- ишларни лойихалаш ҳақидаги топшириқ ва бошқа дастлабки маълумотларга мувофиқ бажариши;

15% - 69 000 000.

- тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини буюртмачи ва фойдаланувчи ташкилотлар билан келишиб олиши;
- тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини ва кидирув ишлари натижаларини шартномада белгиланган муддатларда буюртмачига топшириши;
- буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслиги шарт.

3.4. Лойиҳачи лойиҳа-смета ҳужжатлари ва кидирув ишларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бажарилган кидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатларида ёки кидирув ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Лойиҳачи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча кидирув ишларини бажариш, шунингдек, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, келтирилган зарарни буюртмачига тўлаши шарт.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш Лойиҳа-смета ҳужжатларини бажариш лойиҳа олди топшириғи талабларига биноан белгиланади.

4.2. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жаъми ишлар тугагандан сўнг Лойиҳачи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан ҳужжатлар тўпламини топширади.

4.3. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Лойиҳачига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

4.4. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.5. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролар кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.6. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.7. Лозим топилган ҳолларда томонлар ҳолис экспертларга Лойиҳа бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Лойиҳачи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Қўшимча шартлар

6.1. Лойиҳачи лойиҳани муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

6.2. Ўзаро мулоқат йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади. Келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Ўртачирчик туманлараро Иқтисодий судида эътироз тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

6.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

6.4. Лойиҳачи шартномада кўрсатилган ишларни бажариш учун, Буюртмачини белгиланган тартибда маълум қилган ҳолда, учинчи шахсларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

6.6. Буюртмачи томонидан тўловлар билан боғлиқ ўз мажбуриятлари кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўланади, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим, бунда Буюртмачига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно.

6.7. Лойиҳачи томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва буюртмачига топшириш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса, Лойиҳачи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган

хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим;

6.8. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6.9. Лойиха олди ва Лойиха – смета ишларини тўлик бажариш (под ключ) муддати, 15% аванс маблаги тулангандан кундан бошлаб 30 календар куни деб белгиланди.

6.9. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди.

6.10. Мазкур шартнома имзолангандан сўнг кучга кирази ва томонлар ўз мажбуриятларини тўлик бажаргунига қадар ҳамда 31.12.2022 йилгача амал қилади.

6.11. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси (1-илова)
- Лойиха-смета ва кидурув ишларини бажариш учун календар режаси (2-илова)
- Лойиха ва кидурув ишлари нархини аниқлаш сметаси (3-илова)

7. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

“Буюртмачи”

“Лойихачи”

«Наманган Ҳалқаро Аэропорти» МЧЖ

«KELAJAK-S» хусусий корхонаси

Манзил: Наманган шаҳар, Аэропорт кўчаси

Тел/факс: (69) 228-69-25, 228-60-35

х/р: 2021 0000 3002 2758 4005, МФО: 00 222

ТИФ «Миллийбанк» Наманган филиали
СТИР: 2000481116, ХХТУТ: 51 300

Наманган шаҳар, Б.Машраб кўчаси, 32-уй

р/с 2020 8000 4034 8585 2201

ХАБ «Трастбанк» Наманган филиали

ИНН: 202430660

МФО 01060

ИФУТ 7110



Директор

Т.А.Халилов



Директор

И.Р.Уралов

Юрист-маслаҳатчи

Ш.Жунаев

2022 йил « 25 » 03 даги
84 -сонли шартномага 1- илова

Шартнома баҳосининг келишув

БАЁННОМАСИ

Биз, қуйида имзо чекувчилар: «KELAJAK-S» хусусий корхонаси бўйича 2022 йил “ ” даги 03-сонли шартнома баҳоси ҚҚС билан 460 000 000 (Тўрт юз олтинш миллион) сўмга тенг деб келишилганини тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Лойихачи ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

“Буюртмачи”

“Лойихачи”

«Наманган Халқаро Аэропорти» МЧЖ

«KELAJAK-S» хусусий корхонаси



Директор

Т.А.Халилов

Директор

И.Р.Уралов

2022 йил « 25 » 03 даги
84 -сонли шартномага 2- илова

Лойиха-смета ва кидурув ишларини бажариш учун

КАЛЕНДАР РЕЖАСИ

Т/р	Шартнома бўйича ишлар номи	Бажариш муддати	Ҳисоб-китоб нархи, сўмда
1	«Наманган халқаро аэропорти» МЧЖга қарашли АВК-1 ва АВК-2 биноларини қайта қуриш ишлари учун лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш (бирламчи лойиха олди ҳужжатлари ва экспертиза хизматлари билан бирга (под ключ))	15% аванс маблағи тулангандан кундан бошлаб 30 календар кун	460 000 000

“Буюртмачи”

“Лойихачи”

«Наманган Халқаро Аэропорти» МЧЖ

«KELAJAK-S» хусусий корхонаси

Директор

Т.А.Халилов

Директор

И.Р.Уралов

2022 йил «25» 03 даги
84 -сонли шартномага 3- илова

Лойиҳа ва қидирув ишлари нарҳини аниқлаш сметаси

Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун: «Наманган ҳалқаро аэропорти» МЧЖга қарашли АВК-1 ва АВК-2 биноларини қайта қуриш ишлари учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш (бирламчи лойиҳа олди ҳужжатлари ва экспертиза хизматлари билан бирга (под ключ).

Лойиҳалаш ташкилотининг номи - «KELAJAK-S» хусусий корхонаси

Буюртмачи ташкилотининг номи - «Наманган Ҳалқаро Аэропорти» МЧЖ

№ пп	Бино номи, тузилиши ва иш номи	Қўлланиладиган ставкани асослаш	Харажатларни ҳисоблаш (сўм) да
1.	«Наманган ҳалқаро аэропорти» МЧЖга қарашли АВК-1 ва АВК-2 биноларини қайта қуриш ишлари учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш (бирламчи лойиҳа олди ҳужжатлари ва экспертиза хизматлари билан бирга), Шу жумладан: Лойиҳа олди ҳужжатлари Шаҳарсозлик экспертизаси Объектга ажратилган лимит ҚҚС билан 15 333 333 333 сўм	Буйруқ 19.08.2019 йилдаги 396-сон Узб. Республикаси Қурилиш Вазирлиги Илова №3 тоифали Мураккаб тоифа- II К -3,0	$15\,333\,333\,333 \times 3\% =$ $= 460\,000\,000$ Шартнома баҳоси 460 000 000 сум Шу жумладан ҚҚС 60 000 000 сўм
ЖАМИ:			460 000 000

Смета бўйича жами: ҚҚС билан 460 000 000 (Тўрт юз олтмиш миллион) сўм

Лойиҳа ташкилот раҳбари.



И.Уралов